

Тариф қиймати:
Сув 1 м³ 3862,23 сўм
Окова 1 м³ _____ сўм

(ИНГУРУХГА КИРАДИГАН) ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА СУВ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА СУВНИ
ЧИҚАРИШ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА
8 -СОНИ ШАРТНОМА

2022 йил "5" Январь

Косонсой туман

Асасланган жой /

Ушбу шартнома "Наманган вилоят Сувокава" Давлат унитар корхонаси Косонсой туман Сувокава филиали (бундан буён "Таъминотчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор М. Камолов, шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи 44-сонли 2123 342 000 Низом асосида иш олиб борувчи директор М. Р. М. Халов иккинчи томондан қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. 2022 йилга учун сув етказиш хажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва III гуруҳ истеъмолчилари учун ичимлик сув етказиш 1 м³ учун 3862,23 сўм (+КҚС 15% + махсус устама ҳақ) 1 м³ окова сув ташлаш учун _____ сўм (+КҚС 15%) ни ташкил қилмокда.

"Истеъмолчи" йил бошида "Таъминотчи"га ойлар кесимида бир йиллик ичимлик сув эҳтиёжи ва окова сув ташлаш миқдорлари тўғрисида дислокация такдим этади.

1 чорак	<u>780</u>	М3	Январь	<u>260</u>	Февраль	<u>260</u>	Март	<u>260</u>
2 чорак		М3	Апрель		Май		Июнь	
3 чорак		М3	Июль		Август		Сентябрь	
4 чорак		М3	Октябрь		Ноябрь		Декабрь	

Шу тариха шартноманинг умумий қиймати бир йилда 780 м³ учун 3012555 (3 млн 125 555 301 255 555 301 255 555 301 255 555) сўмни ташкил қилади.

Махсус техникалар ёрдамида ичимлик сув етказиб бериш қўшимча шартнома асосида амалга оширилади.

1.2. "Таъминотчи" "Истеъмолчи"ни O'zDSt 950: 2011 "Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифат назорати" амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (КҚС ва махсус устамани ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтирилади.

1.3. "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатлар ичда "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларини ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва окова сувини чиқариш бўйича шартларнинг бажарилиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари"га қўшимчалик матида – Қоидалар деб юритилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 16 ноябр кунда қабул қилинган ПҚ-5241-сонли "Сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида тўлов интизомини қўлга олиш таъминоти тўғрисида"ги Фармони, вилоят ҳокимининг _____ 20____ йилдаги _____ сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга 1 м³ учун _____ сўм махсус устама ҳақ жорий этилган

ҳамда "Таъминотчи" томонидан такдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва сув чиқариш тизимига ланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. "Истеъмолчи" ушбу шартномага унинг тасарруфидоги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шахар сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нўсхасини такдим қилади, "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-окова хўжалигидаги банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ҳовлилар, пиёдалар йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепиш ҳамда ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви "Истеъмолчи" (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнғинларни ўчириш шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи" нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, окова сувларини "Истеъмолчи"нинг санализация тармоқларида тўқувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва окова сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қоидаларга" мувофиқ тузади.

2.4. Ҳисоблаш қурилмалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви иллий агентлиги қошидаги Аккредитация марказининг махсус аккредитациясидан ўтган органлар томонидан текширилган ва тамгаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги таъминоти томонидан тамгаланиши лозим.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишдилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, "Таъминотчи" ходими сув ўлчаш гармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши "Истеъмолчи" томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиха асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчи"нинг сўровномаси асосида барча тасдиқловчи ҳужжатларни қўлга келтирилган ҳолда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" бўлортмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш таъминоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган улаамаларининг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов нинг тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. "Истеъмолчи" лимитдан ортиқча сув истеъмол қилган ҳолатларда, "Таъминотчи" томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффициентни қўлдан йўли билан ҳақ ундирилади.

2.10. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатация маъсулият чегараси (сув ва окова тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, ҳусусан уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан ibорат:

а) сув истеъмоли учун – узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан чиқарилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш "Истеъмолчи"нинг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир.

б) окова тизими учун – магистрал окова тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш қудуги бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички окова тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш окова қудуги магистрал окова тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади. узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

III. ТАРАФЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи”дан у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва окова сувни чиқариш сизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) “Таъминотчи”дан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш, ўрнатилган тартибда уни “Истеъмолчи” (суб-истеъмолчи) ҳисобидан амалга оширишни талаб қилиш;

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва окова сув тармоқларида хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда қарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор қилиш тўғрисида унинг бекор қилинишидан камида 15 кун элдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки окова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган сизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг солати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;

е) “Таъминотчи”дан ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, ларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки ларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида “Таъминотчи”дан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария-эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва окова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриқланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик. қудуқ копоқларини қор ва муздан тозалаш. “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган гамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга қарши гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик. кўрсатилган ёнгинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) “Истеъмолчи” ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (қўча ва квартал ичидаги) сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик;

г) коммунал сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан “Таъминотчи” ни хабардор қилиш;

д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол қўриниб турган носозликлар, шунингдек таъминоти бўлишига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнгинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи” га ҳабар бериш;

е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ёзиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчи”га қорий ойнинг охириг қўншдан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувни сарф қилинишига ва окова сувларининг истеъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;

ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-окова ҳўжалигидаги банк маълумотлари ва юридик ланзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;

и) “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва окова тармоқлари, қурилма ва мосламаларини лозим даражадаги техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш окова сувларининг олдиндан тозаланишларини олиб бориш ва улардаги ифлосланиш концентрациясини метёр кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) окова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва окова сизматларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;

м) жамоат сув ва канализация тизимлари объектларида шикаст етказган “Истеъмолчи” дарҳол “Таъминотчи”га ҳабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. “Таъминотчи”нинг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда, истеъмолчинин 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни за сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;

б) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва окова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш соидаларини бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига қўра бартараф етмаса;

в) “Таъминотчи” вакилининг “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув /затиш ва окова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, таъмига ўрнатиш ва бошқа ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз ҳалақат берилган тақдирда;

г) “Таъминотчи” томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва окова тармоқларида ишлар бажарилиши, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса ва янги “Истеъмолчи”ларни улаш /чун ишларни ўтказишда;

д) “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув иқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;

е) “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;

ё) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

ж) “Истеъмолчи” томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий офатларда;

й) аварияларда;

к) ёнгин чиққан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.

3.4. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;

в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларида уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда “Истеъмолчи”лар сувдан оқилон фойдаланиш ва сувдан оқилон фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;

г) “Истеъмолчи”ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўрнатиш, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) “Истеъмолчи”лар сув қувур ҳўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва таъмиларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда қўни билан бир марта ўтказиш ва тегишли далолатномаларни тузиш;

е) “Истеъмолчи”га ушбу шартноманин шартларини бажармаган ҳолларда, жарима пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолнига оид метёринг-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида “Истеъмолчи”ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар қўчага қирган қўндан бошлаб, 15 кун ичида оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг солати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани “Истеъмолчи”га бепул бериш;

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. "Истеъмолчи" қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланмиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган ходими олдида тамғаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг касддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда;

г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлса, "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларининг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабозарлик аниқланганда "Таъминотчи" қонунчиликда белгиланган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулият ва қавобгарлик ҳолатини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3. "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотида улашиб олиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚСНи ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорига 2,0 коэффициентни қўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг кўрсаткичларига (ёки қўйилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

VI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, "Истеъмолчи" бутун дебиторлик қарздорлигини сўндириши ва "Таъминотчи" билан чиқиб кетишдан қамда 10 кун олдин далолатномани тузиш ва имзолаши зарур. "Истеъмолчи" чиқиб кетганидан сўнг, тамгалар ва ҳисоблаш қурилмаларининг бутлиги объектнинг янги эгаси зиммасига юклатилади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова ҳўжаланидаги барча ўзгаришлар "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times t}$$

бунда: M – 0.60га тенг бўлган сулфити орқали сув сарфи коэффициенти;

F – суяқлик оқиб ўтадиган қувур ёки теппик кесими майдон (ички диаметр бўйича) m^2 ;

g – 9.81 м/сек.га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт, 24 соат, секундаларда.

Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"нинг сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда):

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик сувидан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув хажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3. бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) қунгача ҳисобланади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларида сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш бўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобини давлат назоратидан ўтказиш муддатлари (икки йилда бир марта)га амал қилинмаганда;

6.3.8. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўгинидаги қўйилган химоя қопламига ухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик суви соф сарфини аниқлаш имкониятини чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгиндан сакланиш гидрантлари ва сонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" ходими томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан ланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўловмуддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган қун ханасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган қунгача, ёки ўзбошимчалик билан ланиш узибташланган қунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан улашиб олинган санадан бухақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансидаги тармоқларга улашиб содир этилган бўлса, бумуддат даъво аризаси ёзилган муддатдан шмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилди. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни тўйиҳалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини қўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолларда "Таъминотчи" томонидан сув таъминотини тўхтатиш учун асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан ҳоким қарори, кадастр сўжжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган улашиб санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга қасқиндир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банкар орқали амалга оширилади. Шу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кун муддат ичида, акцепсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир кун учун 0.4% исёя ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи"нинг ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг қирим сассалари орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. "Таъминотчи" тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 30% миқдорда олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўпилади. Агарда "Истеъмолчи" икки дафта ичида тўловларни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришнинг ёки оқова сувларни чиқариб юборишнинг қарзларини ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баравари миқдорда тўлов қайта улашни амалга оширган таъминот ҳисобига маблағларини ўтказиш орқали ундирилади.

Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш оқова сувларини "Истеъмолчи"лар томонидан таълаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги II-сон қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари" самда инфоелантирувчи модаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (ўч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобларнинг потўтри қилинганлиги (тарифларнинг потўтри ҳисобга олинганлиги ва шу

таби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га такдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида ўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ суд тартибиде қўрилади ва бартараф этилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. ФОРС – МАЖОР

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига ёвсита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни қўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўққизлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлиналарида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади, ёки тарафлардан бири бўлмиш истеъмолчи етказиб берувчинини огоҳлантирган ҳолда, тўловларни тўлик тўлаган кунига қадар амалга қилади.

X. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

"ТАЪМИНОТЧИ"

Косонсой туман Сувоқова филиали

Косонсой шаҳар Обод МФЙ

Тел 69-65-27-562

Ипотека банки Наманган бўлими

Ушб 22638000000306912370

МҚО 00223

ИДН 200048456

Райхбар

М.В. Камолов

М.В. (Ф.И.Ш. ном)

2022 й.

"ИСТЕЪМОЛЧИ"

44-сонли ИДН 200048456

Манзил Косонсой туман Сувоқова филиали

Тел: 69-65-27-562

ИДН 200048456

Банк Косонсой туман Сувоқова филиали

Банк қолди 00014 СТИР 000058872

ХХТУТ

М.В. 2022 й.

2022 й.

Банк Косонсой туман Сувоқова филиали

Банк қолди 00018 СТИР 000058872

ХХТУТ

М.В. 2022 й.

М.В. 2022 й.

Райхбар

М.В. Камолов

М.В. (Ф.И.Ш. ном)

2022 й.

Ишчилик ҳуқуқи

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фазилатлиқ қонунлари ва "Ўзбекистон Республикасида шартноманинг ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун қоидаларига мувофиқ тузилган.

Ҳужжатнинг

01

2022 й.

Наманган "Сувтаъминот" МЧЖ
Косонсой туман бўлими



"Сув ҳаёт манбаи"

Шартнома № 8

ШАРТНОМА 2022 ЙИЛ